



Ishonch

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasining nashri // Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan // www.ishonch-doverie.uz // e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантириш йўлида

Халқаро касба уюшмалари конфедерацияси бош котиби Шаран Барроу раҳбарлигидаги делегация аъзолари мамлакатимизда бўлиб, ишчи-ходимларнинг манфаатларини таъминлаш, ижтимоий шериклик ва мулоқотни ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар самаралари билан танишди.

Пойтахтимизда касба уюшма фаоллари билан ўтказилган учрашувда Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси Кенгаши раиси Т.Нарбаева, Халқаро касба уюшмалари конфедерацияси бош котиби Ш.Барроу ва бошқалар Президент Ислом Каримов раҳнамолигида Ўзбекистонда аҳоли бандлигини таъминлаш, ходимларга муносиб меҳнат шaroитлари яратиш, меҳнатни муҳофаза қилиш, соҳадаги ижтимоий шерикликни ривожлантириш борасида изчил ишлар олиб борилаётганини таъкидлади.

▲(2).



Фарғона вилояти Бувайда туманидаги «Lionprint» хусусий корхонасида ишлаб чиқарилаётган юзга яқин турдаги полиграфия маҳсулотларига буюртмалар тобора ортмоқда.

— Президентимиз раҳнамолигида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига берилаётган имтиёз ва имкониятлардан фойдаланиб, замонавий технологиялар келтириб ўрнатдик, — дейди корхона раҳбари Мўминжон Шерматов. — Бунинг самарасида маҳсулотларимиз сифати янада яхшиланиб, ишлаб чиқариш ҳажми бир неча баробар ортди. Иш ўринлари ҳам кўпайди.

СУРАТДА: корхона ишчиси Иқбол Усмонов.

ЎЗА фотомухбири Муқимжон ҚОДИРОВ олган сурат.

ШАНХАЙ ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИ МИНТАҚАВИЙ АКЦИЛТЕРРОР ТУЗИЛМАСИ КЕНГАШИНИНГ ЙИГИРМА САККИЗИНЧИ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

Тошкент шаҳрида 2016 йил 8 апрел куни Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Минтақавий аксилтерроп тузилмаси (ШХТ МАТТ) Кенгашининг навбатдаги йигирма саккизинчи мажлиси бўлиб ўтди. Қозғистон Республикаси раислигида ташкил этилган мажлисда Қозғистон Республикаси, Хитой Халқ Республикаси, Қирғизистон Республикаси, Россия Федерацияси, Тожикистон Республикаси ва Ўзбекистон Республикаси вакиллари иштирок этди.

Мажлисда ШХТга аъзо давлатларнинг терроризм, сепаратизм ва экстремизмга қарши курашиш бўйича 2013 — 2015 йилларга мўлжалланган ҳамкорлик дастурини амалга ошириш яқунлари ва ШХТ МАТТ Кенгаши қарорлари ижроси муҳокама қилинди. ШХТ Давлат раҳбарлари кенгашига кўриб чиқиш учун тақдим этилган ШХТ МАТТ Кенгашининг мазкур халқаро тузилманинг 2015 йилдаги фаолияти тўғрисидаги маърузаси лойиҳаси маъқулланди. ШХТ МАТТ фаолияти терроризм, сепаратизм ва экстремизм каби хозирги кундаги таҳдид ва хавф-хатарларга қарши курашиш борасидаги талабларга жавоб бериши таъкидланди.

ШХТга аъзо давлатлар ваколатли органларининг интернет тармоқидан терроризм, сепаратизм ва экстремизм мақсадларида фойдаланиш ҳолатларини аниқлаш ва уларнинг олдини олиш бўйича Хитой Халқ Республикасида ўтказилган «Сяминь — 2015» биргаликдаги ўқув машқлари яқунларида юқори баҳо берилди.

Мажлис иштирокчилари хозирги кундаги таҳдид ва хавф-хатарлар, жумладан, халқаро террористик ташкилотлар томонидан бўлаётган ҳужумларга қарши курашиш бўйича қўшма чора-тадбирлар юзасидан келишиб олди. Шунингдек, аҳоли ўртасида диний-экстремистик гояларга қарши иммунитетни кучайтиришга йўналтирилган ишларни такомиллаштириш масалаларини муҳокама қилди.

2016 йилнинг IV чорагида ШХТга аъзо ва кузатувчи давлатлар делегациялари иштирокида халқаро терроризм ва экстремизмга қарши курашиш соҳасидаги ҳамкорлик масалаларига бағишланган тўртинчи илмий-амалий конференцияни ўтказишга келишилди.

2014 йилда Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Осиёда ҳамкорлик ва ишонч чоралари бўйича кенгаш қотибяти билан расмий алоқалар ўрнатган эди. Мажлисда терроризм, сепаратизм ва экстремизмга қарши курашиш соҳасида шериклини йўлга қўйиш мақсадида ШХТ МАТТ ва ушбу ташкилот ўртасида ҳамкорликни назарда tutувчи ҳужжатлар лойиҳалари маъқулланди.

ШХТ МАТТ фаолиятини ривожлантириш ва ШХТга аъзо давлатлар ваколатли органлари ҳамкорлигини мустаҳкамлашга қўшган шахсий ҳиссаси учун мазкур давлатлар ваколатли органларининг қатор ходимлари ва ШХТ МАТТ Ижроия қўмитасининг масъул ходимлари рағбатлантирилди.

ШХТ МАТТ Ижроия қўмитаси фаолиятини ташкилий ва кадрлар билан, молиявий таъминлаш, ШХТга аъзо давлатларнинг терроризм, сепаратизм ва экстремизмга қарши курашиш соҳасидаги ҳамкорлигининг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштиришга доир масалалар юзасидан қарорлар қабул қилинди.

ШХТ МАТТ Кенгаши мажлиси ишчанлик ва амалий руҳда ўтди.

ЎЗА

Семинар

Хабарингиз бор, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг 2016 йил 5 мартдаги «Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловига тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказиш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ шу йил май-июн ойларида фуқароларни ўзини ўзи бошқариш органларига сайлов бўлиб ўтади.

Сайловга тайёргарлик қизғин

Ушбу жараёнга тайёргарлик юзасидан жойларда қатор тарғибот ишлари олиб боришмоқда. Жумладан, Самарқанд вилояти Пастдаргом туманида «Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловининг ташкилий-ҳуқуқий асослари» мавзусида худудий семинар бўлиб ўтди. Унда Булунғур, Нуробод, Жомбой ҳамда Пастдаргом туманларининг мазкур сайловга кўмаклашувчи комиссияси раислари ва аъзолари иштирок этишди. Семинарни Адвокатлар палатаси Самарқанд вилоят худудий бошқармаси бошлиғи, вилоят кўмаклашувчи комиссияси раиси Отабек Ахтамов олиб борди.

Унда сўзга чиққан Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси Кенгаши раиси Танзила Нарбаева сайлов жараёнининг аҳамияти, сайловни ушқоқлик билан ташкил этиш ва унинг тартибига атрофлича тўхтади.

— Оқсоқол — маҳалланинг юзи. Шу боис навбатдаги сайловда маҳалла фуқаролар йиғини раислигига халқ ишончини оқлай оладиган, фикри теран, билимдон ва оlijаноб инсонни танлаб олишимиз керак, — деди, шунингдек, Т.Нарбаева. — Токи у фуқаролик жамиятининг

муҳим бўғини сифатида шаклланган ва халқаро эътирофга сазовор бўлган маҳалла институти фаолиятини янада такомиллаштиришга ўз ҳиссасини қўша олсин. Бугунги тинч-осуда, фаровон турмушимизнинг қадрига етиб, сайловнинг ҳаққоний ўтишини таъминлаш сизу бизнинг вазифамиз. Албатта, «Ватан оstonадан бошланади» деган гап бежизга айтилмаган. Келажакимиз эгалари бўлган фарзандларимиз, авваламбор, оилада, маҳаллада шаклланади. Шундай экан, уларнинг юртга фидойи инсонлар бўлиб камол топишида маҳалланинг ўрни бекиёс.

Шунингдек, семинарда Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти вилоят худудий бўлими бошлиғи Фотех Раҳматов, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди вилоят бўлими бошқаруви раиси Шерали Юлдашев, вилоят адлия бошқармаси мутахассиси Алишер Абдусаматов сўз олиб, сайловга кўмаклашувчи комиссиялар, сайловни ташкил этиш ҳамда ўтказиш бўйича ишчи гуруҳларининг асосий вазифалари хусусида батафсил тўхталишди.

Семинар қизғин савол-жавоблар асосида ўтди.

ЎЗ мухбиримиз

Касба уюшмалари — ҳарбийларга

Самарқанд вилоятининг Тойлоқ туманида ҳарбий қисмда Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси томонидан маънавий-маърифий тадбир ташкил этилди.

Ватан ҳимоячилари ҳузурда

Тадбир давомида ҳарбий хизматчилар учун яратилган шароитлар билан ҳам танишилди. Ватан ҳимоячиларининг ҳатти-ҳаракатида барқ уриб турган кўтаринки руҳ барчаннинг эътиборини тортиди.

Тадбирда Мудофаа вазирлиги ҳузурдаги Жамоатчилик кенгаши аъзоси, Касба уюшмалари Федерацияси Кенгаши раиси Танзила Нарбаева Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимиз Куролли Кулариди амалга оширилаётган ислохотлар жараёнида ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларини ижтимоий муҳофаза қилиш ва қўлаб-қувватлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади. Ҳарбий хизматни ўтаётган аскарлар, ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила-аъзолари манфаатлари ҳимоясига, уларнинг билим ва кўникмаларини янада мустаҳкамлашга қаратилаётган юксак эътибор, шиман ётоқоналар, дам олиш масканлари, уларнинг оилалари учун кўрсатилаётган ғамхўрликларнинг барчаси дав-

латимиз томонидан юртимизнинг ҳақиқий ўғлонларига бўлган юксак эътиборнинг ёрқин намунаси эканлиги қайд этилди.

Шу ўринда ҳарбий хизматчилар ва улар оилаларини ижтимоий ҳимоялашга қаратилаётган эътиборга алоҳида тўхталиш жоиз. Хусусан, уларни уй-жой билан таъминлаш, кафолатланган тиббий хизмат курсатиш, маиший шароитларини янада яхшилаш борасида олиб борилаётган амалий ишлар Ватан ҳимоячиларига кенг имконият ва имтиёзлар яратмоқда. Шунингдек, муддатли ҳарбий хизматни ўтаб бўлган шахсларни моддий ва маънавий рағбатлантириш тизими, олий ўқув юртлирига қиршида уларга давлат томонидан имтиёзлар белгиланганлиги, ишга жойлашишда амалий ёрдам кўрсатилаётганлиги эътиборга моликдир.

Тадбир сўнида ҳарбий қисмга Федерация Кенгаши томонидан замонавий ноутбук тақдим этилди.

ЎЗ мухбиримиз

Маҳалла обод — юрт обод

Тинчлик, осойишталик ва фаровонлик нашидаси

«Чинобод» маҳалласи шу ном билан аталувчи шаҳарча марказида — Андижон-Наманган магистрал йўли ёқасида жойлашган. Кейинги йилларда амалга оширилган кенг қўламли бунёдкорлик ишлари туфайли худуд кифоиси таниб бўлмас даражада ўзгариб кетди. Асосий кўчанинг икки юзиди маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари, инфраузилма объектлари фойдаланишга топширилди. Замон талаблари асосида барпо этилган деҳқон бозори, тантаналар саройи, савдо мажмуалари ва бошқа тадбиркорлик субъектларида асосан ушбу худуд вакиллари фаолият кўрсатишмоқда.

Айни пайтда 3560 нафар аҳоли умргузаронлик қилаётган маҳаллада хусусий тадбиркорлик билан бир қаторда хунармандчилик, касаначилик каби йўналишлар изчил ривожланипти. Фуқаролар йиғинининг тадбиркорлик фаолияти ва оилавий бизнесни ривожлантириш масалалари бўйича комиссияси томонидан олиб борилаётган чора-тадбирлар натижасида иш билан банд бўлганлар сони кескин ортди.

Бир неча йил илгари Одилжон Қамбаров қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган оилавий корхона ташкил этиш ниятини айтганида МФЙ фаоли-

мизга талаб катта. Кундан-кунга даромадимиз ортиб, моддий фаровонликка эришмоқдамиз.

Чинободда Одилжон каби тадбиркорликнинг этагидан тутиб, рўзгорини бутлаётган, маҳалла ривожига ҳисса қўшаётганлар кўп. Масалан, кейинги йилларда Жасур Рашидов ҳамда Баҳром Хожиматов меҳнат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни, Улуғбек Акбаров пиноччиликни, Фафур Тўйчиев қандолатчиликни, Адхамжон Кўчқоров асарларчиликни йўлга қўйди. Нодирбек Юнусов бир неча тенкурларини ёнига олиб, буюртмачиларга ақва эшик-ромлари етказиб бераётган бўлса, хунарманд аёл Садбархон Кенжаева касаначи сифатида маҳаллада кўрпаташ ва чопон-тўнлар тикидиган ўнга яқин хотин-қизларни иш билан таъминлади. Қувонарлиси, Садбархон опанинг ортидан эргашган йигирма нафардан ортиқ аёл бугунги кунда мустақил фаолиятини йўлга қўйди.

▲(3).

Нуронийлар ибрати

Қашқадарёдан пойтахтга пиёда

Мамлакатимизда Амир Темур таваллудининг 680 йиллиги кенг нишонланаётган шу кунларда бир гуруҳ нуронийлар яна бир ибратомуз ишга қўл уришди.

Қамашлик Абдуҷаббор Холбоев, тошкентлик Адхам Хасанов, самарқандлик Абдуҳофиз Хуррамов, тойлоқлик Юртқон Исмаилов ва Мавлонжон Аҳмедовдан иборат олти нафар ишдан ошган ва етмишнн қоралаётган бу отахонлар соҳибқирон бобомиз таваллуд топган Яккабўғ туманидаги Хўжа Илғор қишлоғидан Тошкент шаҳрига пиёда йўл олишди.

— 25 март куни йўлга чиқиб, роппа-

роса 14 кун деганда белгиланган режадан бир кун олдин пойтахтга етиб келдик. Пиёда юриш минг дардга даво. Кўриб турибсиз, барчамизнинг руҳимиз тетик, чарчоқ нималигини унутиб қўйгандекмиз. Юрагимизга унутилмас хотираларни муҳрлаган бу эзгу ишда бизга орамиздаги тадбиркорлик билан шуғулланадиган Ақтамхон ака мададкор бўлди, — дейди Абдуҷаббор Холбоев.

— Амир Темур бобомизнинг 680 йиллигига 680 туп кўчат экишни кўнглимга туккан эдим. Йўл-йўлакай шерикларим билан ҳам саёҳат, ҳам зиёрат билиб, кўчатларни қадимий қадамжоларимиз атрофига ўтказиб, қўзлаган мақсадимга



эришдим, — дейди Ақтамхон Исмаилов. — Икки гектар ерда кўчатчилик билан шуғулланаман. Режаларим кўп. Устирган ниҳолларимни бутун мамлакатимиз бўйлаб экишдек яна бир савобли ишни бошлашни ният қилганман. Насиб этса, бу мақсадимга ҳам, албатта, етаман.

Салим АБДУРАҲМОНОВ, «Ishonch» мухбири



МИЛЛИЙ УСЛУБЛАР АСОСИДА

Нукус шаҳридаги «Ember-Gulya» оилавий корхонаси 2014 йили иш бошлаган. Моҳир хунарманд Гулнора Ембергенова раҳбарлик қилаётган корхонада миллий либослар тайёрланади. Қорақалпоқ миллий кийиниш маданияти ҳамда каштачилик тарихини пухта ўрганган корхона чеварлари тайёрлаган маҳсулотлар иждоий кўрғазма ва танловларда юқори баҳоланган.

СУРАТДА: (ўртада) корхона раҳбари Гулнора Ембергенова ишчилар Дилноза Розимова ва Ширин Худойбергенова билан.

ЎЗА ФОТОМУХБИРИ
МАҚСАД ХАБИБУЛЛАЕВ олган сурат.

Намунали бошланғич ташилотларда



Жонкуярлик меваси

Шахрисабз туманидаги 100-умумтаълим мактаби касабаси уюшмаси кўмитаси ўтган йили корхона ва ташилотлар ўртасида ташилот шаклида «Энг намунали бошланғич ташилот» кўриктанловининг Қашқардаги вилоят босқичида ғолиб деб топилди.

Сўнгги йилларда Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси томонидан бошланғич ташилотларга катта эътибор берилган. Ушбу эътиборнинг натижасида ташилотларнинг сони ва сифати ошаётган. Ушбу йилда ташилотларнинг сони 1000 дан ортиқ бўлган. Ушбу ташилотларнинг сони ва сифати ошаётган. Ушбу йилда ташилотларнинг сони 1000 дан ортиқ бўлган.

Яна бир эътиборли жиҳати, мактаб меҳнат муҳофазаси бўйича тажрибали вакилларга эга. Равшан Қурбоновнинг саъй-ҳаракати азизига физика, меҳнат, кимё, биология, информатика, меҳнат таълими фанлари хоналари меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлик техникаси қондаларига тўла жавоб беради. Ҳар бир ходим махсус йўриқномадан ўтиб, ўз билим ва кўникмасини орттириб бораётган.

Акмал АБДИЕВ,
«Ishonch» мухбири

Маънавият соати

Огоҳлик — давр талаби

Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерациясида Энергетика ходимлари касабаси уюшмаси Республика кенгаши томонидан «Маънавият соати» ўтказилди. Унда Федерация Кенгаши, тармоқ касабаси уюшмаси Республика кенгаши аппарати, Санатор-курортлар бошқармаси ходимлари қатнашди.

Тадбир аввалида «XXI аср фитниси» фильми намойиш этилди. Шундан сўнг Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича кўмита масъул ходими Баҳодир Даминаовнинг «Ешларда мафруравий иммунитетни шакллантиришнинг услубий тақомиллаштириш йўллари» мавзусидаги маърузаси тингланди. Дунёда рўй бераётган сиёсий жараёнлар, бугунги глобаллашув асрида ёшлар тарбиясига эътибор лозимлиги ҳар қачонгидан долзарб бўлганлиги реал воқеалар асосида таҳлил қилинди. Уғил-қизларимизнинг турли сайтлардаги бузғунчи тўдалар қармоғига илиниб қолмаслиги учун ҳаммиса огоҳ бўлишимиз, маҳалла, кўча-кўйда юрганишимиз ҳам хушёр бўлишимиз лозимлиги алоҳида таъкидланди. Тадбирда мавзуга оид саволларга жавоб берилди.

Ўз мухбиримиз

Аъзолик афзалликлари

Сафларимиз мустақкамлиги ҳамжиҳатликка боғлиқ

Касабаси уюшмалари аъзолик асослаш вазифасини тўлақонли амалга ошириш касабаси уюшмаси ташилотларининг сафи кенгайиб, нуфузи тобора ошиб бориши билан чамбарчас боғлиқ. Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташилотлари ходимлари касабаси уюшмаси Республика кенгашида ушбу долзарб вазифага қандай ёндашилади? Мухбиримизнинг Республика кенгаши бош мутахассиси Садриддин САЙФУЛЛАЕВ билан қилган суҳбат мавзуси ана шу ҳақда.

— Бор кучини ишлаб чиқаришга сарфлаб, моддий неъмат яратадиган ҳар бир инсон ўз меҳнатига яраша ҳақ тўлашиши, хавфсиз меҳнат шaroитига эга бўлишидан, иш жойининг сакланишидан ҳаммиса манфаатдор, — дейди Садриддин Сайфуллаев. — Корхона, ташилот ҳамда муассасаларда фаолият кўрсатиб келаётган жамоат ташилотлари — касабаси уюшмалари эса ана шу вазифани тўлақонли бажаришга масъул.

Шу ўринда касабаси уюшмасига аъзолик афзалликлари нималарда кўринади, деган ўринли савол туғилиши табиий. Авваламбор, айтиш лозимки, ҳозирги вақтда ҳар бир аъзо ўзининг тўлақонли бадалига қараганда жамоат шартномалари орқали бир неча ўн маротаба бевосита ёнқи билвосита манфаат кўраётган. Бундан ташқари, жойлардаги касабаси уюшмаси ташилотлари ўз аъзоларини ижтимоий-иқтисодий ҳамда ҳуқуқий муҳофазаси қилиш, ишчилар ҳамда уларнинг оила аъзоларини соғломлаштириш, бундан ташқари, улар ўртасида оммавий спортни кенг тарғиб этиш борасида ҳам жуда катта имкониятларни сафарбар этиб келяпти.

Ходимлар касабаси уюшмалари тасарруфидаги маданий-маърифий муассасалар тармоғи ҳамда спорт иншоотлари хизматидан бепул фойдаланиб келаётган барчамизга

маълум. Шу боис кўшма корхоналарда, тадбиркорлар ўртасида касабаси уюшмаси ташилотларининг ўз хизматларини тақлиф этиши ҳеч кимни бефарқ қолдираётгани йўқ. Айни кунда тизимимиздаги «Ўзбекенгил-саноат» акциядорлик компаниясига қарашли 339 та ташилотдан 169 тасида, «Ўзбек-чармпоайфазал» уюшмасига қарашли 49 та корхонадан 22 тасида касабаси уюшмаси ташилотлари фаолият кўрсатмоқда. «Хунарманд» уюшмасига аъзо бўлган 8646 нафар хунармандлар ҳам сафимизга қўшилиши. Шунингдек, республикамизда фаолият кўрсатаётган меҳмонхоналарнинг 188 тасида, 401 та бозорда бошланғич ташилотлар фаолияти йўлга қўйилганки, бу аъзоларга фақат фойда келтиряпти, дея ишонч билан айта оламиз.

Ҳозирги кунда тармоғимизда фаолият кўрсатаётган бошланғич ташилотлар сони 5 250 тага етиб, улар ўз атрофида 545 830 нафар аъзони бирлаштирган. Қизиқ келганда шуни айтмоқчиманки, сафимизнинг мустақкамлиги кўп жиҳатдан аъзоларимиз ҳамда касабаси уюшмаси етакчиларининг ушшоқлигига боғлиқ. Буни бир зум бўлса-да унуттишга ҳақимиз йўқ.

— Шу ўринда кўшма корхоналарда ва яққа тартибда ишловчи ҳамда оилавий фаолият кўрсатаётган тадбиркорларни

Ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантириш йўлида

«1). Учрашувда мамлакатимизда фуқароларнинг ўз билим ва салоҳиятини юзага чиқариши учун зарур шарт-шaroит ва имкониятлар яратилгани қайд этилди. Ўзбекистонда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотлар моҳиятида аҳоли фаровонлигини юксалтиришдек мақсадлар мужассамлиги алоҳида қайд этилди. Хусусан, ижтимоий-меҳнат муносабатларининг асосий субъектлари сифатида ходимлар, иш берувчилар ва касабаси уюшмалари ҳамда давлат органлари зиммасидаги муҳим вазифалар хусусида фикр юритилди.

— Ўзбекистонга илк бор келишимга қарамай, мамлакатимиздаги ҳамжиҳатлик ва жипслик менда илиқ таассурот қолдирди, — деди Халқаро касабаси уюшмалари конфедерацияси бош қотиби Шаран Барроу. — Жаҳон ҳамжамиятининг юртингизда олиб борилаётган ислохот ҳамда янгиланишларга бўлган қизиқиш ва эътибори делегациямиз ташилотига туртки бўлди. Бу ердаги тинчлик ва барқарорлик, барча соҳаларнинг изчил ривожланаётгани ҳамда аҳоли фаровонлигининг муттасил ўсиб бораётгани Президентингиз томонидан олиб борилаётган оқилона сиёсат самарасидир. Ўзбекистонда давлат, касабаси уюшмалари ва иш берувчилар ўртасида йўлга қўйилган самарали ижтимоий мулоқот ва ижтимоий шериклик, унинг натижаларидан ҳайратим ошди. Мамлакатимизда барча йўналишда, жумладан, ижтимоий-меҳнат муносабатлари соҳасида эришилаётган ютуқлар фахрланишга арзигуликдир.

Делегация раҳбари Ўзбекистон иқтисодийнинг барқарор ривожланиб бораётгани аҳоли турмуш даражасини янада юксалтириш, ижтимоий-меҳнат соҳасидаги кўплаб масалаларни муваффақиятли ҳал этиш, фуқароларнинг меҳнат ҳуқуқларини самарали таъминлаш имконини яратиб бериш таъкидланди. Халқаро касабаси уюшмалари конфедерацияси делегацияси аъзолари Ўзбекистон касабаси уюшмаларининг қонун ижодкорлиги соҳасидаги иштироки, бандликни таъминлашга қўмаклашиш, меҳнатни муҳофазаси қилиш, аҳоли, айниқса, ёшлар ва хотин-қизларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари ҳамда меҳнат соҳасидаги ҳуқуқларини ҳимоялашдаги фаолиятини

юқори баҳолади. Мамлакатимизда касабаси уюшмалари бирлашиш эркинлиги тўла таъминлангани, корхона, ташилот ва муассасаларда жамоат шартномалари амал қилаётгани ва улар катта самаралар бераётгани, Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерациясининг халқаро ҳамкорлиги ривожланиб бораётгани алоҳида қайд этилди.

Делегация вакиллари «Тошкент йўловчи вагонларини қуриш ва таъмирлаш заводи» акциядорлик жамиятида бўлиб, ишчи-ходимлар учун яратилган муносиб меҳнат шaroитлари билан танишди. Буюк Британия, Германия, Нидерландия, Канада, Жанубий Корея, Япония сингай давлатларнинг замонавий технологиялари билан жиҳозланган мазкур завод мамлакатимиз темир йўл соҳаси ривожини алоҳида ўрин тутди. Завод ишчи-ходимлари учун хавфсиз ва қулай меҳнат шaroитлари яратилган. Уларнинг соғлигини мустақкамлаш, ижтимоий-иқтисодий манфаатларини таъминлашга қаратилган тадбирлар ишлаб чиқариш ҳажми ошишида муҳим омил бўлмоқда.

— Меҳнат жамоалари билан учрашувлар чоғида ишчиларнинг қайфияти юқори эканига гувоҳ бўлдик, — деди Халқаро касабаси уюшмалари конфедерацияси Умумевропа минтақавий кенгаши ижрочи қотиби Антон Леплик. — Бу давлат, касабаси уюшмалари ва иш берувчилар ижтимоий шериклигида ходимларни ижтимоий ҳимоялаш, жамоадаги соғлом муҳитни мустақкамлаш борасида олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар самарасидир. Таъкидлаш зарурки, меҳнат жамоаларида яратилган шарт-шaroитлар ходимлар фаровонлиги ва ишлаб чиқариш унумдорлигини таъминлайди.

Делегация аъзолари Самарқанд вилоятида ҳам бўлиб, корхона ва ташилотлар, таълим муассасаларида ишчи-хизматчиларнинг эркин ва хавфсиз меҳнат қилиши, дам олиши учун яратилган шарт-шaroитлар билан танишди.

Юқори сифатли маҳсулотлари билан нафақат ички бозорда, балки хорижда ҳам муносиб ўрин топан «СамАнтенгил» масъулияги чекланган жамиятида ходимлар учун хавфсиз ва ижтимоий кафолатланган меҳнат шaroити яратилгани, ишлаб чиқариш жараёни замонавий технологиялар асосида олиб бори-

лаётгани меҳмонларда катта қизиқиш уйғотди. Хусусан, ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш, жамоат шартномалари орқали уларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини таъминлаш, маънавий ва дам олиш шaroитларини яратиш, саломатлигини мустақкамлаш борасидаги ўзига хос тажриба эътироф этилди.

Халқаро касабаси уюшмалари конфедерацияси вакиллари Самарқанд иқтисодий ва сервис институтини қошидаги 1-академик лицейда педагоглар фаолияти учун яратилган шaroитлар билан танишиш баробарида замон талабларига мос таълим жараёнларига ҳам гувоҳ бўлди. Уқитувчи ва ўқувчилар билан суҳбат давомида тарихан қисқа вақтда давлатимиз раҳбари томонидан ёшларнинг ҳар томонлама баркамол ривожланиши учун яратилган шaroитларни юқори баҳолади.

— Ўзбекистонда кенг кўламли иқтисодий ислохотлар билан бирга, ижтимоий-меҳнат муносабатлари соҳасида ҳам изчил ишлар олиб борилаётгани эътиборга молик, — деди Халқаро касабаси уюшмалари конфедерацияси бош қотиби Ш.Барроу. — Бу инсон манфаатларига қаратилган билан аҳамиятлидир. Бир қатор корхоналарда касабаси уюшмалари ва иш берувчилар томонидан яратилган шaroитлар билан танишиш, бунга яна бир бор амин бўлдик. Шу жиҳатдан, бугун жаҳонда давом этаётган иқтисодий инқироз шaroитида Ўзбекистонда аҳоли бандлигини таъминлаш ва турмуш фаровонлигини оширишда давлат, иш берувчилар ва касабаси уюшмалари ўртасида йўлга қўйилган ижтимоий шерикликни бошқа мамлакатлар учун намуна қилиб кўрсатиш мумкин.

Делегация аъзоларининг касабаси уюшмалари фаоллари билан учрашувларида мамлакатимизда меҳнатқашлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида ижтимоий шериклик асосида олиб борилаётган ишлар ҳақида сўз юритилди.

Учрашувлар давомида томонлар ўзаро манфаатли ҳамкорлик алоқаларини янада ривожлантиришнинг долзарб жиҳатлари юзасидан фикр алмашиб олди.

Бехзод БОЗОРОВ,
Ғолиб ХАСАНОВ,
ЎЗА мухбирлари

Бандлик



Битирувчиларга қулайликлар

Бухоро юридик ва маънавий хизмат касб-хунар коллежида «Касб-хунар коллежи битирувчиси учун ишга қабул қилиш тартиблари, меҳнат қонучилиги, ёшлар учун имтиёз ва кафолатлар» мавзусида ўқув-семинар ташилот этилди.

Семинарда битирувчиларга бериладиган ҳуқуқ ва имтиёзлар, расмий бандликнинг афзалликлари тўғрисида батафсил маълумот берилди. Хусусан, меҳнат шартномаларини расмийлаштириш, битирувчилар учун синов муддатлари белгиланмаслиги, берилган имтиёз ва кафолатлардан самарали фойдаланиш омиллари, амалиёт ўтовчи коллеж битирувчилари иш бошлашдан олдин турли йўриқлардан ўтказилиши, махсус иш кийимлари билан таъминланиши, нуқулай шaroитдаги ва хавфли ишларга жалб қилинмасликлари, иш жараёни давомида муаммолар вужудга келган тақдирда кимларга мурожаат қилиш лозимлиги каби масалалар бўйича амалиётдан келиб чиққан ҳолда кўплаб фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Очиқ мулоқот ва ўзаро савол-жавоб руҳида ўтган семинар коллеж битирувчиларида катта таассурот қолдирди.

Ҳаётжон ШАРИПОВ,
Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касабаси уюшмаси Бухоро шаҳар кенгаши раиси

«Ishonch» мухбири
Неъмат РАФИКОВ
суҳбатлашди.

ОМОН БЎЛИНГ, МУШТАРИЙ

Хотира уйғонса, гўзалдир

Қадри баланд қадрият

Ёзувчи Пиримқул Қодиров номини бундан эллик беш йиллар аввал биринчи марта отамдан эшитганман. Далварзиннинг бўронли қиш кунлари эди. Отам Бекобод шахрига бозор қилгани бориб, ҳар галгидек китоб дўконига ҳам кириб ўтади ва ёзувчининг янги босмадан чиққан «Қадрим» қиссасини кўриб қолади. Эшиқдан қирар-қирмас опамга ҳаяжон билан: «Шарофат, мана қара, Пиримнинг китоби чиқибди, катта одам бўлиб кетибди ҳамқишлоғимиз», дегани ҳали-ҳануз қулоғим остида жаранглайди. Шу заҳотиёқ сандалга баланд қилиб чўғ солинди. Опам, опачам ва мен йигилиб келдик. Дастурхонда зогора нон-чой, майиз-туршак. Отам қиссахонликини бошлаб юборди. Бобомиз мулла Жўлбек қулоқ сифатида шу Далварзин чўлига сургун қилиниб, кўчманчи ҳаёт туфайли атиги бешинчи синфини тугатганига қарамасдан отамнинг саводи равон, қишининг узун тунларида бизга «Алпоммиш», «Гўрўғли», «Кунтуғмиш» дostonларини қироат билан гоят жозибали қилиб ўқи берган эдилар. Бу галги қиссахонлик аввалгиларидан-да таъсирли бўлди. Чунки китоб қахрамонлари бизнинг замондошларимиз эди.

Орадан йиллар ўтиб, Ўзбекистон Миллий университети (аввалги ТошДУ)да ўтган бир адабий учрашувда Пиримқул ака «Юлдузли тунлар» романидан парча ўқиб берганда ҳамқишлоқ ёзувчимизнинг ўзини биринчи марта минбарда кўриш насиб этди. «Юлдузли тунлар» романини чоп этиш цензура томонидан тўхтаб қўйилгани ҳақидаги узунқулоқ гаплардан биз, талабалар ҳам хабардор бўлганимиз учун ўшанда Пиримқул акани қандайдир ички ҳамдардлик билан кузатиб қолганмиз. Бу тўғу қарийб умумий хамдардликка айланган қолаёзган шекилли, «Гулистон» журналининг бош муҳаррири Асқад Мухтор «Пиримқулнинг кўнглига келмасмикин», деган андиша билан бир курсдош дўстимизнинг Мирзо Бобур ҳақидаги ҳикоясини чоп этишни пайсалга солиб, ёзувчининг олдидан ўтиб қўйишни маслаҳат бергани эсимда. Қор қалин ёққан қиш кунинда икки талаба Пиримқул аканинг Лабзақдаги кotteжи эшигини таққиллатиб борганмиз.

«Бобур Мирзо — миллатимиз фахри. У ҳақда қанча кўп ёзилса, шунча яхши. «Гулистон»чилар истихсолани чувалатмай, босаверса бўларди», деб койиниб гапирган эди Пиримқул ака ўшанда.

Муस्ताқиллик шобдалари эса бошлагани ва Ватанимиз озодликка эришган ўтган асрнинг тўқсонинчи йилларида улкан адиб ва жамоат арбоби сифатида халқ хурматини қозонган Пиримқул Қодиров маънавийатимиз жабҳасининг энг қайноқ жойларида ишлади, ижод қилди. Бу даврда бизнинг муносабатларимиз ёзувчи ва чекадаги ўқувчи даражасидан улкан адиб ва ижодкор журналист мавқеига кўтарилиб, анча қалинлашган эди. Кишини яқиндан билмоқчи бўлсанг бирга сафар қилган экан. Пиримқул ака билан Бекобод шахрига сафаримиз ҳаётимиздагидан унутилмас воқеалардан бири бўлиб қолган. Бекобод шахри ҳақида гап кетганда у кишининг қуюқ қошлари остидаги ойбекона йирик кўзлари яшанб кетишини кўп кузатганман. Ёшлиги ўтган, ота-онаси, ака-опалари яшанган, ҳозир яқинлари яшаётган метал-

чилар шахри Пиримқул ака учун ниҳоятда қадри эди. Баҳор айни авж палласида гуркураган кунларнинг бирида «Қайдасан, Бекобод», деб йўлга чиқдик. Хайратланарли ижодий ўфқларни забт этганига қарамасдан ўзини ниҳоятда қамтар тутадиган адибимиз сафар давомида жуда очилиб кетди.

Баҳор ҳавоси-да. Кўм-кўк осмоннинг бир четидида қора булут бирпасда ҳамма ёқни қоплаб, илиқ ёмғир савалай бошлади. Шу туфайлими, у пайтларда таъқиқланган Чўлпоннинг шеърлари ва «Кеча ва кундуз» романини Москва марказий кутубхонасини қоронғу ертўласидан минг бир қийинчилик билан топиб ўқигани, кейин қатагон қилинган шеърларни яширинча кўчириб олгани ва ёдлагани, бу кувончини ижодкор дўстлари Матқуб Қўшонов ва Озод Шарофиддинов билан баҳам кўргани ҳақида шавқ-заъқ билан гапириб келадиган Пиримқул аканинг ҳикоясига Бекободга боғлиқ маҳзун хотиралар кириб кела бошлади.

— Бу йўл ўтган аср олтишинчи йилларининг иккинчи ярмида қурилган, — деб эслади Пиримқул ака. — У пайтларда Бекободдан Тошкентга Гулистон шахри орқали борилад эди. Мен ҳам ўша йўлдан пойтахтга қатнаганман.

...Урушдан кейинги йилларда отаси яна қулоқ сифатида шу томонларга бадарга қилинган учун Қодировлар оиласининг бири қисми Бекобод шахрига туташ қишлоқда яшаган. Пиримқул аканинг ўзи ҳам ўқиб, ҳам Бекобод металлургия заводининг (ҳозирги Ўзбекистон металлургия комбинати) радио тармоғида радиоташкилотчи бўлиб ишлаган. Иш орасида вақт топиб хаста отасини овқатлантириб, қараган. Отаси қазо қилгач, барча марақасини ўтказди. Кейин бор-будини бир халтага жойлаб, ўзи «Таржимаи ҳол материаллари» мақоласида таъкидлаганидек, ўн йиллик ўқишга жўнаб кетади. Мана энди орадан эллик беш йил ўтиб Қодирий, Чўлпон, Ойбек, Фафур Фулом Абдулла Қаҳҳорлар кўтарган адабиёт яловини янада баланд даражада олиб чиқиб, муста-

қиллик даври авлодларига шараф билан етказгани учун «Пиримқул Қодиров» бўлиб эъзоз топган улкан адиб билан яна Бекобод шахрига кириб бормоқдамиз.

Бекободда бизни Пиримқул аканинг укаси Зулхайдар Қодиров кутуб олдди. Кўп йиллар иккита туманда биринчи раҳбар бўлиб ишлаган, энди ҳаж амалини ўтаб оқсоқоллик мартабасига етишган Зулхайдар ака юриш-туришда ҳам, гап-муомалада ҳам акасининг ўзи эди. Нима ҳам дердик, олманинг тағига олма тушади-да. Келишиб олганимиздек, аввал Пиримқул аканинг онаси, онаси ва акаси ётган қабристонни зиёрат қилдик. Хар бир қабрни изламай топиб борганидан у кишининг бу ерга тез-тез келиб туришини сездим. Қуръон сураларини ниҳоятда таъсирли қироат билан тиловат қилишини кўриб, бу борада ҳам у кишига Худо берган экан, деган фикр ўтди кўнглимдан. Бекободнинг Тожикистон Республикасига чегарадош қисмида қолиб кетгани учун Қодир бобо ва менинг Мулла Жўлбек бобом ётган қабристонга ўтолмасдан, унга яқин Далварзин каналининг бўйида уларнинг ҳақиқаи диган қонун ҳимоячиларининг ҳам баҳри-дили очилиб кетди. Амир Темурнинг халқимиз ва жаҳон тарихида тугган мавқеи ҳақидаги маърузаси учрашув қатнашчиларида ниҳоятда катта қизиқиш уйғотди. Пиримқул Қодировнинг, энди Амир Темурни Осиё ва Европанинг халоскори, халқимиз озодлиги учун курашган қаҳрамон сифатида талқин қилиш керак, деган ҳулосаси мен учун ҳам кутулмаган янгилик бўлган эди. Шу гурун шавқи билан Тошкентга қайтаётганимизда келгуси ёзда Жиззаз вилоятининг Янгибод туманига сафар қилишни келишиб олдик. Лекин нима учундир бу сафар амалга ошмай қолди.

Икки мингинчи йилларнинг бошларида «Қонун ҳимоясида» журнали таҳрир хайъатининг аъзоси сифатида Пиримқул Қодиров билан ҳамкорликни давом эттирдик. Ёнгиндангдан азим маънавият дарёси айқириб оқиб турса, минг кўно ижод чашмаси биқириб қайнаб ётса-ю ундан қониб-қониб сув ичмаслик, яйраб-яшнаб баҳра олмаслик кечирилмас гуноҳ бўлар эди. Ижодий йиғилишларимизнинг бирида Пиримқул ака кўп асрлик тарихининг олтин халқаси ҳисобланган темирйўллар даври ҳақида тўққинлабчи гапирди. «Юлдузли тунлар» ва «Авлодлар довоми» романи учун материал тўплаб юрган пайтида у темирйўллар тарихини чуқур талқин этган ва эҳтиомал келажакда Амир Темур ҳақида алоҳида китоб ёзишни кўнглига тутиб қўйган. Шунинг учун

адиб журналнинг келгуси йилдаги сонлари учун Амир Темур ҳақида тарихий асар ёзиб бериш борасидаги илтимосимизни мамнуният билан қабул қилди ва энг шимариб ишга киришиб кетди.

«Қонун ҳимоясида» журналининг 2005 йилдаги иккинчи сони саҳифаланаётганда «Амир Темур қаҳрамонлиги» («Амир Темур сиймоси» дастлаб шундай номланган) илмий бадиасининг биринчи боби тайёр бўлди ва дарҳол чоп этишга берилди. Шу тахлит Пиримқул ака ўзига хос ижодий интизом билан ҳар ойнинг белгиланган санасида 25-35 бетлик қўлёзма ни тахририятга етказиб турди. Асар «Қонун ҳимоясида» журналининг ўн битта сониди (2006 йилда «Қонун ҳимоясида» журнали бошқа ҳуқуқий нашрлар билан бирлаштирилди) ва «Хуқуқ» газетасининг 2006 йил январ ойи сонларида тўла босилиб чиқди.

Юқорида таъкидлаганимиздек, оқсоқол адибимиз бу асарни ёзишга катта тайёрлик билан киришганига қарамай, ижод жараёнида ҳали ўзбек тилига ўғирилмаган бошқа тарихий манбаларни ҳам қийсиб солиштирди. Бунда адибга хияни, шарқшунос олим Абдужалил Ҳазратқулов яқиндан ёрдам бериб турди. Айрим мақолаларни шовилчин таржима қилиш керак бўлганда, таржима ҳаракатларини тахририят ўз зиммасига олди. Профессор Акмал Саидов «Амир Темур мавзуси уммондай чексиз» мақоласида таъкидлаганидек, ушбу бадиҳа Фарб ва Шарқ муаллифларининг қўллаб бичириш манбалари ва замонавий нуфузли асарлари асосида ёзилган. Соҳибқирон ҳақидаги бирон-бир жиҳдий асар, ҳатто мақола адибнинг эътиборидан четда қолмаган.

«Амир Темур қаҳрамонлиги» илмий бадиасини адиб роппа роса 12 ойда ёзиб тугатди. Бу 77 ёшли ёзувчининг кўпларга намуна бўладиган ўзига хос ижодий жасорати эди. Иккинчидан, бошқа темирнавислардан фарқи ўларок, Пиримқул Қодиров ўз китобида Амир Темурни ҳаётда қандай бўлган бўлса шундайлигича, яъни бир ярим асрлик мўғил истибодига қарши курашга олган халқ ҳаракатининг йўлбошчиси, Осиё ва Европанинг халоскорига айланган қудратли салтанатнинг асосчиси сифатида тасвирлади; бу борада айрим тарихчилар йўл қўйган ҳатоларни тўзатади ва бўшлиқларни тўлдирди.

«Қонун ҳимоясида» журнали 2005 йилда йигирма минг нусхада чоп этилган. Демак, шунча хонадон аъзоларига соҳибқирон бобимизни янгича талқинида таниш ва шундай буюк аждодимиз борлигидан фахриятхор туйғусини туюш насиб этган.

«Амир Темур — бизнинг шаън-шавкатимиз, гурур-ифтихоримиздир.

Амир Темур — халқимиз даҳосининг тимсоли, маънавий қудратли

миз рамзидир», — деган эди Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов Тошкентда Темирйўллар тарихи давлат музейи очилиши маросимида сўзлаган нутқида.

Одатда давлат арбобларининг нутқ ва маърузалари дастурий аҳамиятга молик, қуйма ва лўнда кўрсатмалар тарзида бўлади. Пиримқул Қодировнинг «Амир Темур сиймоси» илмий бадиасини Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги муносабати билан ўтказилган Халқаро конференциядаги маърузасида Юртбошимиз томонидан илгари сурилган гоъларнинг илмий-бадиий талқини дейиш мумкин.

Пиримқул Қодиров ҳаёти ва ижодий фаолиятининг қарийб қирқ йилдан ошқ қисмини Мирзо Бобур ва унинг авлодлари ҳаёти ва фаолиятини бадиий тадқиқ этишга бағишлади. Халқимиз маънавий хазинасига муҳим хисса бўлиб қўшилган «Амир Темур сиймоси» илмий бадиасини адиб ҳаётини ва ижодий тажрибаси қуйилиб, энг юксак поғонага кўтарилган даврда эди. Демак, қирқ йилдан ошқ давр мобайнида Пиримқул Қодиров буюк аждодларимиз ҳаёти ва ҳаёти билан яшайди, ижод қилди. Шунинг учун у кишида ўзи умр бўйи ардоқлаб яшган тарихий-бадиий қаҳрамонларга муносиб тарзда ички гурур ниҳоятда кучли, ўз кадр-қиммати билан қонун одам бошқаларнинг қадрига етади, деган ақидида мустаҳкам қарор топган эди.

Ун-ўн беш йиллик ҳамкорлик давомида мен ишлаган жамоа, асосан ёш журналистлар оқсоқол ёзувчимиздаги барча яхши фазилатлардан ибрат олиб, қаҳрамон бўлишга ҳаракат қилганимиз. Буни қалбдан ҳис этган устоз ёзувчимиз қандай яхши асари чиқса, биринчилардан бўлиб бизга иллар ва бу билан бизларни ўзи яхши кўрган яхшилик сари йўллашга ҳаракат қиларди.

«Ушбу китобни илк бор шакллантиришда Сиз бош муҳаррир бўлган журнал ва газета аҳойиб шариот яратиб берган эди», деб ёзган эди бизга тақдим этилган «Амир Темур сиймоси» китобида битган дастахтда Пиримқул Қодиров миннатдорчилик билан. Пиримқул аканинг Темирйўллар давридаги мумтоз адабий тилимиз муаммоларига бағишланган «Тил ва эл» илмий бадиасига ёзилган дастахтидаги «Катта ижодий ишда («Амир Темур сиймоси» китоби назарда тутилган) менга ёрдам бераётганингиз учун минг раҳмат. Сизларга доим яхшилик ва камронлик тилайман», деган сўзларини «Қонун ҳимоясида» журналидан парвоз қилиб, «Ishonch» газетасида дадил қанот қоқайтган ёш қаламкаш дўстларимиз доим мамнуният ва фахр билан эслаб юришади. Чунки атоқли ёзувчи Пиримқул Қодиров умрининг сўнгги йилларида ушбу газета тахрир хайъатининг аъзоси сифатида эш журналистларга ижодий раҳнамоллик қилган эди. Зотан буюк аждодимиз Амир Темур таваллуд топган кун муносабати билан шу газета саҳифаларида темиршуносликда ўзига хос мактаб яратган Ўзбекистон халқ ёзувчиси Пиримқул Қодировни ҳам ёгда олиш бағоят савобли ишдир.

Абдуҳалиқ АБДУРАЗОҚОВ, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист

Спорт



Ақл, билим ва тафаккур баҳслари

Ўқувчиларни профессионал спорт сари чорламоқда

Андижон давлат университетидида «Қамолот шахмат тахтаси» республика турнирининг финал босқичи бўлиб ўтди. «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ташаббуси билан қатор вазирилик ва ташкилотлар ҳамкорлигида ўтказилган мусобақалар саралаш босқичларида муваффақиятли қатнашган 8-19 ёшли ўғил-қизлар гоғлибик учун дона сурдилар. Ҳар бир вилоятдан 10 нафардан ўғил-қиз бешта ёш тоифасида баҳс олиб борди.

— Уч ёшимдан шахмат билан шуғулланман, — дейди Фаргона вилояти Бағдод туманидаги 17-умумтаълим мактабининг 2-синф ўқувчиси Давлатбек Мамаат-ғозиев. — Биринчи устозим — бобомдан ўйин сирларини ўрганиб келялман. Мактабимизда ҳам тўғрақларга мунтазам қатнашман. Мусобақадан олган таассуротларим бир олам. Қўллаб дўстлар ортирдим. Келажакда халқаро турнирларда қатнашишни ниёт қилганман.

— Ўғлим Самандар олти ёшидан бери шахмат ўйнайди, — дейди самарқандлик Санъатбек Бокиев. — Ақл гимнастикаси туфайли ёш ва ўқини муқтадил ўрган. Катталар каби оғир босиқлик билан фикрлашдан, ўзига ишончи ортаётганидан хурсандман.

— Баҳслар қутулганда натижаларга бой бўлди, — дейди Халқаро шахмат федерацияси ФИДЕ арбитри, бош ҳакам Ақром Тошхўжаев. — Энг муҳими, болалар ўйин қоидаларини яхши ўзлаштиришпти. Турнир йил сайин янги истеъодларнинг кашф этмоқда. Улар орасидан бўлажак жаҳон чемпиони қишқига умидимиз катта.

Турнир якунига кўра, умумжамоа ҳисобида Сирдарё вилояти вакиллари биринчи ўринни эгаллади. Тошкент ва Навоий вилоятлари шахматчилари иккинчи ва учинчи ўринларни қўлга киритдилар. Мусобақа доирасида иштирокчиларнинг «GM Uzbekistan» автомобил заводи ҳамда вилоятнинг диққатга сазовор масканларига саёҳати уюштирилди. Таниқли спорт усталари, санъаткорлар иштирокидаги мастер-класс ҳамда маданий-маърифий дастурлар ёшларга катта заъв бағишлади.

Нурилло НУЪМОҲОВ, «Ishonch» муҳбири. Хурсандбек АРАББОЕВ олган сурат.

«Отам, онам ва мен — соғлом оила»


«Узтрансгаз» акциядорлик компанияси бирлашган қасаба уюшма қўмитаси томонидан уюштирилган тадбир ани шундай номланди.

Авваламбор, шунинг таъкидлашимиз лозимки, ушбу тадбир ҳар йили баҳор фаслида уюштирилади. Яққасарой туманидаги 91-мактаб спорт саройида ташкил этилган навбатдаги мусобақадан иштирокчи тизими қорхоналаридан 15 нафар оила аъзолари иштирок этди. Унда арқон тортиш, баскетбол, югуриш ва бошқа спорт турлари бўйича баҳс олиб борилди.

Яқунда Жиззах вилояти «Фалларол» магистрал газ қувурлари бошқармаси вакили Акмал Қоравалар оиласи биринчи, Андижон вилояти «Хўжабод» газни ер остида сақлаш иншооти вакили Ўткирбек Зокировлар оиласи иккинчи, Тошкент шахри «Узтрансгаз» АК марказий аппарати вакили Ильдир Холмухаммедовлар оиласи учинчи ўринни эгаллади. Ҳолиларга совириллар, қатнашчиларга эсдалик совғалари топширилди.

«Узтрансгаз» акциядорлик компаниясида соҳа ходимлари ва улар оила аъзоларининг спорт билан мунтазам шуғулланиши учун ҳудудий қорхоналарда футбол, волейбол ва спорт майдончалари мавжудлиги соғлом турмуш тарзини шакллантиришда муҳим аҳамият касб этмоқда. Айни кунларда компания қасаба уюшма қўмитаси аъзолари томонидан шахмат, шашка, стол тенниси, бадминтон ва мини-футбол каби спорт турлари бўйича навбатдаги мусобақаларга тайёрларлик кўриломоқда.

Азамат Тўраев, «Узтрансгаз» АК матбуот хизмати ходими



«Буюк Соҳибқирон» топқирлик машқлари

ЧАЙНВОРД. 1. Буюк ўзбек олими, давлат арбоби, Амир Темурнинг набираси, Шоҳруҳнинг ўғли. 2. Кастилия қироли Генрих III томонидан Амир Темур ҳузурига юборилган иккинчи элчилик раҳбари. 3. Соҳибқирон танбихидан: «Адул инсоф билан жаҳон гулшани ... бўлади». 4. Амир Темур давлати пойтахти, заманининг сайқали. 5. Амир Темур даврида амалда бўлган пул бирлиги. 6. Ўзбек кино экранида Амир Темур сиймосини гавдалантирган саятор. 7. Маъмурий ҳудуд бирлиги. 8. Муस्ताқиллик йилларида «Темирйўллар тарихи давлат музейи» барпо этилган пойтахт шаҳар. 9. Буюк Соҳибқироннинг падали бузқувори. 10. Воқеа-ҳодисалар даврлари бўйича қатъий қайд этиб борилган манба. 11. Танбихларидан: «Бировдан ёмонлик ... Иво гапни айтсалар, эшитма». 12. Тарихчи «Амир Темур тарихи» асари муаллифи. 13. Амир Темур қўшинлари томонидан забт этилган Осиё жанубидаги мамлакат. 14. Ҳарбий хизматкор, аскар. 15. Солиқ тўловчи халқ. 16. Амир Темур эътиқод қилиб — «Фирқлаш ва мушоҳада қобилияти, қувваи ҳофизаси кучли инсон ҳар қандай мушқулу мушқулотни осон қилиш йўлини топа олади» — деб таърифлаган нарсаси. 17. Ҳикматдан: «... сўз — ҳаққа қарор». 18. Темирйўллар даврида амирларга берилган имтиёзли унвон. 19. Амир Темур давлати раамларидан бири. 20. Таниқли тарихчи олим, «Амир Темур» романи муаллифи. 21. Танбихидан: «Бирон кимса билан танишган бўлсанг, уни ҳеч ... назарингдан узоқ тутма». 22. Амир

Темур ҳузурига паноҳ истаб келган Олтин Ўрда хони. 23. Ўзбекистон Республикасининг «Амир Темур» орден билан муқофотланган тарихий шахар. 24. Машҳур тарихчи Шарофиддин Али Яздий эътиб қолдирган Амир Темур давлати тарихи баён этилган нодир асар. 25. Танбихидан: «Бўлиб ўтган ишдан ... чекма, ҳосил бўлган ютқудан ортиқча қувониб кетма». 26. Эрондаги тарихий пойтахт шаҳар. 27. Дostonларда темирйўлларнинг мадҳ этган ўзбек мумтоз мутафаккир шоири. **МУАММОНОМА.** Аввало қўйда Соҳибқирон Амир Темур танбихларида келтирилиб рақамларда ифодаланган қалит сўзларни топинг. 1. Яхшиин ёмон кўнда 9, 1, 2, 11. 2. Адоват эмас 11, 12, 3, 7, 11, 16 енгади. 3. Яхши одам юрт 16, 5, 13, 11, 4 ёмон одам юрт бузар. 4. Бирон воқеа қорхўл бўлмасдан туриб, олдиндан 10, 3, 4, 11 — тадбирини кўриб қўй. 5. Бутўғни ишни 15, 4, 16, 11, 6, 11 қўйма. 6. Чин 12, 8, 9, 16 улким, ҳеч вақт дўстидан ранжимайди, ранжиганда ҳам узрини қабул қилади. 7. Улкан 17, 14, 4, 3, 9 ҳамма вақт улкан мухолифлик тугдиради. Энди қалит сўзлари жавоблари орқали шакл атрофиди муаммонимоним хал этинг. Бунда улардан яна бир танбихи билиб оласиз. **Фозилжон ОРИПОВ**

MUASSIS:
O'zbekiston kasaba uyushmalar Federatsiyasi
2007-yil 11-yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan.

Bosh muharrir:
Jahongir Sharofboyev
Tahrir hay'ati:
Abdullaziz Abdullayev, To'lg'in Teshaboyev, Eson Rajabov, Ulug'bek Jalmonov, Farhod Xanariyayev, Ravshan Bedilov, Asror Ishanxodjayev, Muhabbat O'rombekova, Oksana Belobsova, Timur Mamajonov (bosh muharrir o'rinbosari), Akmal Toshv

BO'LIMLAR:
Kasaba uyushmalari hayoti — 256-87-63
Huquq va xalqaro hayot — 256-64-69
Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport — 256-82-79
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash — 256-85-43
Reklama va e'lonlar — 256-87-73

Manzillimiz:
100165, Toshkent shahri, Buxoro ko'chasi, 24-uy
E-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflar fikri ta'biyiyat nuqtayi nazaridan farqlanishi mumkin.

HUDDULARDAGI MUXBIRLAR:
Qoraqalpog'iston Respublikasi — (+998-91) 268-92-32
Andijon — (+998-91) 475-23-60
Buxoro — (+998-93) 653-50-81
Jizzax — (+998-91) 943-67-44
Namangan — (+998-90) 260-50-77
Navoiy — (+998-93) 313-86-87
Samarqand — (+998-97) 915-50-87
Sirdaryo — (+998-90) 610-95-55
Surxondaryo — (+998-95) 502-68-99
Farg'ona — (+998-91) 141-27-70
Xorazm — (+998-90) 719-48-00
Qashqadaryo — (+998-91) 467-30-01

Navbatchi muharriri:
A.Toshev
Navbatchi:
S.Abdurrahmonov
Musahhili:
S.Haydarov
Sahifalovchi:
H.Abdujalilov

Boshqacha topilish vaqti — 22:40
Tahsil — 23:10

1 2 3 4 5

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshqarasida chop etildi.
Korxonalar manzili:
Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta «Ishonchning» kompyuter markazida teriladi va sahifalandi.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosiladi.
Hajmi 2 bosma tobaq.
Buyurtma f — 415.
21090 nusxada bosiladi.
Nashr ko'rsatkichi: 133